

ЎЗЛАШТИРИШ ЁКИ РАСТРАТА ЙЎЛИ БИЛАН ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛИШ ЖИНОЯТИГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ТЕРГОВЧИ ВА ТЕЗКОР БЎЛИНМА ХОДИМЛАРИ ҲАМКОРЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Комилов Ҳаким Қувандиқ ўғли

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси

Тергов фаолияти магистратура тингловчиси

Аннотация: *Жаҳонда жиноятчиликка қарши кураш, судлар томонидан содир этилган жиноятлар учун одиллик принципига асосан жазо тайинлаш, жиноят қонунчилигини либераллаштиришига алоҳида аҳамият берилмоқда. Жумладан, ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш жинояти учун жавобгарликни белгилаш ҳамда унга имкон берган сабаб ва шароитларнинг олдини олиш, ушбу жиноятга қарши курашишда терговчи ва тезкор бўлинма ходимлари ҳамкорлигини такомиллаштириш, бу борадаги халқаро стандартларнинг миллий қонунчиликка имплементациясини кучайтириш соҳасида тадқиқотлар ўтказишга катта эътибор қаратилмоқда.*

Таянч сўзлар: *ўзлаштириш, растрата, талон-торож қилиш, терговчи, тезкор-қидирув, терговчи ва тезкор бўлинма ходимлари ҳамкорлиги.*

Аннотация: *В мире особое значение придается борьбе с преступностью, наказанию судов за совершенные преступления на основе принципа справедливости, либерализации уголовного законодательства. В частности, важно проводить исследования в области установления ответственности за совершение преступления грабежа путем хищения или распространения и предотвращения причин и условий, сделавших его возможным, улучшения взаимодействия следователей и оперативников в борьбе с этим преступлением, уделяется внимание усилению имплементации международных стандартов в этом отношении в национальное законодательство.*

Основные слова: *Хищения, растрата, грабеж, следователь, оперативно-розыскного, сотрудничество следователя и оперативного персонала подразделения.*

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг “Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар” деб номланган учинчи бўлими 10-бобида “Ўзгалар мулкани талон-торож қилиш” учун жавобгарлик назарда тутилган. “Талон-торож” тушунчаси босқинчилик, товламачилик, талончилик, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш, фирибгарлик ва ўғирликни қамраб олувчи умумий тушунча ҳисобланади. Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жинояти талон-торож қилишнинг энг кўп содир этиладиган жиноятлардан бири ҳисобланади¹³⁸.

Ўзбекистон Республикасида ўзгалар мулкани талон-торож қилиш билан боғлиқ

¹³⁸Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2022 йил якуни бўйича ҳисоботи.

ўзгаришлар шубҳасиз қизиқиш уйғотади. Республика миқёсида статистик маълумотлар ўрганилганида иқтисодиёт асосларига қарши ва хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар 2019 йилда 7538 тани, 2020 йилда 10005 тани, 2021 йилда 33959 тани, 2022 йилда эса 30736 тани ташкил этганини кўришимиз мумкин¹³⁹.

Жиноят қонунига биноан, ўзганинг мулкани талон-торож қилиш мулкка қарши жиноятларнинг хавfli тури бўлиб ҳисобланади. Амалдаги Жиноят кодексимизда “талон-торож” тушунчаси берилмаган. “Талон-торож”нинг аниқ таърифини бериш унинг моҳиятини аниқлаш, талон-торожнинг алоҳида шакллари ўхшаш таркибли жиноятлардан фарқлашда муҳим аҳамият касб этади ва ўз ўрнида ўзгалар мулкани талон-торож қилишга қарши кураш самарадорлигини ошириш, қонунийликни таъминлашга хизмат қилади. Шу ўринда МДХга аъзо давлатлардан Беларусь Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон, Қозоғистон каби давлатларнинг Жиноят кодексларида “талон-торож” тушунчаси бериб ўтилгани аҳамиятга сазавордир.

Талон-торож тушунчаси “талон” ва форсча “торож” сўзларидан ташкил топган бўлиб, “ҳамма ёқдан тортқилаб талаш”, “ўзлаштириш” каби маъноларни англатади¹⁴⁰. Бошқа манбада эса, “талон-торож” тушунчаси рус тилидаги “хищничество” сўзидан олинган бўлиб, унинг мазмуни ўзбек тилида: “таловчилик, ўта исрофгарчилик” маъносини билдиради¹⁴¹.

Жиноят ҳуқуқи назариясида “талон-торож” атамаси икки маънода ишлатилади.

Биринчи ҳолатда у мулкка қарши жиноятни амалга оширишнинг муайян усулини англатади.

Иккинчисида талон-торожнинг ҳар қандай шакли ва турини тавсифловчи, умумлаштирилган юридик категория, тушунча сифатида ишлатилади¹⁴². “Талон-торож” – махсус тушунча бўлиб, ўзгалар мулкига қарши бўлган аниқ бир гуруҳ қилмишлар ҳақидаги тушунчани умумий кўринишида тасвирлаб беради¹⁴³.

Профессор М.Х.Рустамбаев ва бошқа олимлар “талон-торож”нинг бир қанча таърифини ишлаб чиққанлар ва “талон-торож”нинг белгиларини кўрсатиб ўтганлар¹⁴⁴.

¹³⁹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2022 йил якуни бўйича ҳисоботи.

¹⁴⁰ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж. III. Н-Тартибли / Таҳрир ҳайъати: Т. Мирзаев (раҳбар) ва бошқ. ЎЗР ФА Тил ва адабиёт институти. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2013. – Б. 651.

¹⁴¹ Русча-ўзбекча луғат. – Тошкент: Ўқитувчи, 2014. – Б. 685.

¹⁴² Козаченко, И.Я. Уголовное право. Особенная часть в 2 т. Том 1: учебник для академического бакалавриата / И.Я.Козаченко, Г.П.Новоселов. — 2-е изд., перераб. и доп. — Москва: Издательство Юрайт, 2019. — 351 с. — (Бакалавр и специалист). — ISBN 978-5-534-01922-3. — Текст: электронный // ЭБС Юрайт [сайт]. — URL: <https://urait.ru/bcode/434423>

¹⁴³ Қобулов Р. Бозор иқтисодиёти шароитида талон-торож қилишга қарши кураш // Ҳуқуқ-Право. – Тошкент, 1998. – № 3. – Б. 40.

¹⁴⁴ Рустамбаев М.Х. Комментарий к Уголовному кодексу Республики Узбекистан. Особенная часть. – Ташкент: Уқитувчи, 2016; Кригер Г.А. Борьба с хищениями социалистического имущества. – М.: Юрид.лит., 1999. – С. 100; Владимирова В.А., Ляпунов Ю.И. Социалистическая законность под охраной закона. – М.: Юрид. лит., 1999. – С. 25; Матышевский П.С. Ответственность за преступления против социалистической собственности. – Киев: Вища школа, 1993. – С. 40; Аллабергенов А.П. Ответственность за хищение, совершенное путем злоупотребления служебным положением. Учебное пособие. – Ташкент: ТашГУ, 1992. – С. 10; Қобулов Р. Мулкни талон-торож қилиш нима? // Ҳаёт ва қонун. – Тошкент, 1996. – № 10-11. – Б. 53; Ҳақимов Э.Ҳ. Жиноят кодекси “талон-торож” тушунчаси билан тўлдирилиши керак // Қонун номи билан. – Тошкент, 1997. – № 4. – Б. 43; Бакунов П.Б. Товламачилик жиноятини квалификация қилишдаги баъзи муаммолар // ТДЮИ Ахборотномаси. – Тошкент, 2007. – № 4. – Б. 60; Ниёзова С.С.

Хусусан, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жиноятига қарши курашда тергов ва тезкор қидирув органларининг ҳамкорлиги тушунчаси бирорта норматив-ҳуқуқий ҳужжатда балки, қонуности актларда ҳам берилмаган бўлиб, ушбу тушунча назарий тушунча бўлиб ҳисобланади ва жиноят процесси ёки криминалистика соҳасидаги рус олимларининг ушбу тушунчага ўзига ҳос ва мос тарзда келтирилган изоҳларини кўришимиз мумкин. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, олимлар айнан ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жиноятига қарши курашда тергов ва тезкор қидирув органларининг ҳамкорлиги тушунчасига таъриф бермаган бўлиб, умумий тергов ва тезкор қидирув органларининг ҳамкорлиги масалаларига тўхталиб ўтишган.

Шу билан бир қаторда, қайсидир бир олимнинг келтириб ўтган таърифини аниқ ва тўғри деб айта олмаймиз. Чунки, назариётчи олимлар ўз илмий изланишларининг ихтисослашуvidан келиб чиқиб таъриф бериб ўтишганлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Хусусан, Н.П.Яблоковнинг фикрига кўра, “Тергов ва тезкор-қидирув органларининг ҳамкорлиги деганда, ушбу органларнинг жиноятга қарши курашиш, жиноятни фoш қилиш ва олдини олишга қаратилган, қонунга асосланган ва принципиал вазифаларидан келиб чиққан фаолиятига айтилади”¹⁴⁵. Ушбу олимнинг фикрига кўра, тергов ва тезкор-қидирув органлари ўртасидаги ҳамкорлик бир маротабалик, эпизодли ва доимий асосда бўлиши мумкин. Доимий ҳамкорлик муносабатлари фақатгина тезкор-тергов гуруҳларини тузиш тўғрисидаги қарор асосида амалга оширилиши мумкин. И.Н.Данилкиннинг фикрига кўра, тергов ва тезкор-қидирув органларининг ҳамкорлиги – бу ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимидаги мақсад ва вазифалари нуқтаи назардан мувофиқлаштирилган, юқоридаги органларнинг бошлиқлари томонидан ташкил этиладиган ва терговчи томонидан бошқариладиган, уларнинг ўзига ҳос усуллари ва воситаларининг энг самарали комбинацияси ҳамда маъмурий жиҳатдан мустақил субъектларнинг фаолияти бўлиб ҳисобланади¹⁴⁶.

Юқоридагилардан фарқли равишда, А.Н.Балашовнинг таъкидлашича, тергов ва оператив фаолиятни амалга оширувчи органларнинг ҳамкорлиги, уларнинг хизмат юзасидан бир-бирига бўйсунувини эмас, балки, процессуал ва тезкор-қидирув фаолиятларининг ҳамоҳанглиги бўлиб ҳисобланади. Жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги вазифаларининг умумийлигига қарамадан юқоридаги органларнинг барчаси ўз компетенциясидан келиб чиққан ҳолда, мустақил қарор қабул қилиш ҳуқуқини сақлаб қолади¹⁴⁷.

Ўзгалар мулкини иштирокчиликда талон-торож қилганлик учун жиноий жавобгарлик муаммолари. – Тошкент: ТДЮИ, 2007. – Б. 8.

¹⁴⁵ Дарслик. Криминалистика под редакцией доктора юридических наук профессора /Н.П.Яблокова. Москва, Юрист, 2001. 191-бет.

¹⁴⁶ И.А.Данилкин. Диссертация: Проблемы совершенствования взаимодействия следственных и экспертно-криминалистических подразделений. Волгоград, 2008. 39-б.

¹⁴⁷ А.Н.Балашов. Взаимодействия следователей с органами дознания при расследовании преступлений. Учебно-методическое пособие. Издательство «Юридическая литература». Москва 1979

И.Ф.Герасимовнинг қайд этишича, ҳуқуқи муҳофаза қилувчи органларнинг ҳамкорлиги деганда, жиноятларнинг олдини олиш, униклаш ва уларни тергов қилиш йўналишида ушбу органлар функция, метод ҳамда ваколатларининг тўғри уйғунлашганлигини тушунишимиз мумкин¹⁴⁸.

Шу жумладан, В.Ф.Статкус тергов ва тезкор-қидирув органларининг ҳамкорлигини кенг ва тор маънода тушуниш мумкинлигини таъкидлайди.

Хусусан, кенг маънодаги ҳамкорлик дегани – бу иш юзасидан ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги биргаликдаги муносабатларидир. Тергов ва тезкор-қидирув органларининг тор маънодаги ҳамкорлиги эса, терговчи ва тезкор ходимларнинг жиноят иши материалларини кўриб чиқиш давомидаги ёки маълум бир жиноят иши доирасида юзага келадиган ва жиноят-процессуал ҳамда идоравий ҳужжатлар ёрдамида тартибга солинадиган ҳамкорлик муносабатлари бўлиб ҳисобланади.

Шу жумладан, терговчининг тезкор-қидирув бўлинмалари ходимлари, ички ишлар органларининг криминалистик экспертлари, айрим ҳолларда туман миқёсидаги ИИБ ходимлари билан хизмат юзасидан ҳамкорлигининг тўғри йўлга қўйилганлиги жиноятларни осон ва тезда очилиши ҳамда жиноят ишлари юзасидан олиб борилаётган терговнинг қийинчиликларсиз якунланишининг муҳим шартларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Маълумки, жиноятчиликка қарши кураш соҳасида тергов, тезкор-қидирув ва криминалистика ходимлари жиноятларни очишда ўзларига ҳос ва мос бўлган восита ва усуллардан фойдаланади. Жиноятчиликка қарши курашни жадал ривожлантириш учун эса бу имкониятлардан алоҳида-алоҳида эмас, балки комплекс тарзда, тегишли чора-тадбирларни оқилона уйғунлаштириш орқали фойдаланиш ниҳоятда муҳим бўлиб ҳисобланади.

Шу билан бир қаторда, ўзаро ҳамкорлик муносабатлари бундай кўшма фаолият иштирокчилари ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг аниқ чегараланишини ҳам назарда тутаяди. Уларнинг ҳар бири ўз ваколатлари доирасида, ўз воситалари ва усулларидан фойдаланган ҳолда, пировард натижада умумий мақсадга эришишга интилади ва шу йўсинда айбдорларнинг тўлиқ фош этилишига эришилади.

REFERENCES:

1. Дарслик. Криминалистика под редакцией доктора юридических наук профессора /Н.П.Яблокова. Москва, Юрист, 2001. 191-бет. .
2. И.А.Данилкин. Диссертация: Проблемы совершенствования взаимодействия следственных и экспертно-криминалистических подразделений. Волгоград, 2008. 39-б.

¹⁴⁸ И.Ф.Герасимов. Некоторые проблемы раскрытия преступлений. Свердловск, Средне-Уральское книжное издательство.2015 105-б

3. А.Н.Балашов. Взаимодействия следователей с органами дознания при расследовании преступлений. Учебно-методическое пособие. Издательство «Юридическая литература». Москва 1979

4. И.Ф.Герасимов. Некоторые проблемы раскрытия пресуплений. Свердловск, Среде-Уральское книжное издательство.2015 105-б.

5.Lydia Ginzburg's. *Alternative Literary Identities* / Ed. by Emily Van Buskirk and Andrei Zorin. Oxford: Peter Lang, 2012.